

## «Ёшлар куни» муносабати билан

2-талабалар турар жойи манавият хонасида 30 июнь - Ёшлар куни муносабати билан Песспублика Ички ишлар вазирлиги маданият саройи ансамблиининг хонандаси Шукуруллаев Нурали билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. У ўз фаолияти борасида сўз юритиб, эришган ютуқларини қайд этиш аносисида ўз ижод мундарижасидан ўрин олган қошиқларидан жонли тарзда куйлаб берди. Нурали Шукурулаев инсоннинг ҳаётдаги ютуқларига боис ота-она ўгити, устозларнинг йўл – йўриқ ва маслаҳатлари, ҳалол яшаш ҳамда касбини севиш эканини алоҳида таъкидлади.



Унинг талабаларга жонли тарзда ҳиндча, анъанавий мақом, эстрада йўналишидаги қўшиқларидан гитара журлигига куйлаб бергани жуда маъқул келди. Талабалар озлиги қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Учрашув жуда мазмунли бўлди. Айтиш мумкинки, талабалар учун бу ижодий учрашув янги режалар, янги мақсадлар қабул қилиш учун илҳомбахш туртки бўлгани сир эмас. Тадбирда ГТС чилемчилик кафедраси асистенти Адхамжон Ўришев, ҚСХЕТ, ГТС, ГИМ талабалари фаол қатнашишди.

**Тарбиячи - педагог, психолог Дилором Сагдуллаева ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**